

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА КОММУНИКАТИВ ЁНДОШУВНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Баратова С. (СамДЧТИ)

Чет тилида коммуникатив мулоқотга киришиш мураккаб жараён ҳисобланади. Коммуникативликка асосланган мулоқот жараёнида маълум ахборот етказилади, ахборотни қабул қилиб олган киши ушбу ахборотга ўз муносабатини билдириши керак бўлади.

Маълумки, чет тили дарсларида ташкил этиладиган мулоқот талабаларнинг ўқув фаолиятини самарали ташкил қилишни ва уни изчил бошқаришни, ўқитувчининг талаба билан, талабанинг талаба билан ўзаро фикр алмашувини ва айнан шу мураккаб жараёнда талабаларнинг ёзма ҳамда оғзаки нутқ малакаларини шакллантириш кўзда тутилади. Нутқ малакаларини шакллантиришда ўқитувчи ва талаба узвий равишда мунтазам алоқада бўлади.

Коммуникатив мулоқотга ўргатиш ўта мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади ва коммуникатив вазифалар асосида ташкил қилинади. Бунда асосий эътиборни фақатгина қоидаларни ёдлаб олишга эмас, балки фикрни эркин равишда оғзаки ва ёзма баён этишга эътибор бериш, чет тили ўргатишнинг асосий мақсадидир.

Шуни айтиш жойизки, коммуникатив мулоқотни ташкил этиш жараёнида ўқитувчининг аниқ ва равшан вазифаси талабани фикрлашга, мулоқотга осон киришишга, аввалам бор машғулотларда тушуниб ўрганилган ўқув материалларини эслашга йўналтирувчи вазият яратиш керак.

Маълумки, дарс жараёнида ўқитувчи ҳар бир талабанинг индивидуал ва психологик хусусиятларини эътиборга олиб мулоқотга киришади. Шуни таъкидлаш керакки, мулоқот фақат талаба ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ташкил қилингандагина содир бўлади.

Мулоқот қилишда турли - хил воситалардан фойдаланиш мумкин. Сўзлашув, эшитиб тушуниш, чет тилида ўқиш ва ёзиш нутқ фаолиятни самарали оширадиган воситалардир. Яъни тўғри талаффуз, оҳанг, имо-ишора, гавданинг ҳаракати ушбу жараёнда жуда муҳим бўлиб, улар билимларини ўзлаштириш ва нутқ равонлигини шакллантириш ва такомиллаштириш сифатида қўлланади.

Ҳар томонлама обдон ўйлаб ташкил қилинган коммуникатив мулоқот талабаларнинг чет тилида жонли сўзлашувни ривожлантиради ва дарсни қизиқарли, самарали ўтишини таъминлайди.

Коммуникатив мулоқотда ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Яъни ҳар қандай талаба бошқасидан ўзининг қобилияти, ўқув ва нутқий фаолияти амалга ошириш қобилияти билан умуман олганда фарқ қилади. Коммуникатив ёндошув бу хусусиятларнинг барчасини ҳисобга олади ва мулоқот учун шарт-шароитлар яратади.

Шу билан бирга, коммуникатив мулоқот дарс ўтиш жараёнида нутқга йўналтирилганлигида намоён бўлади. Бу нарса мулоқотнинг воситаси сифатида чет тилида гапиришни амалий эгаллаш ва тилдан амалий фойдаланиш орқали

амалга оширилишини кўрсатади. Коммуникатив мулоқот учун шароитларни яратиш, кўплаб интирактив машқлар бажариш, дарс сифатини оширишда ёрдам беради.

Хозирги вақтда коммуникативлик ўқитишда юқори савияга эришиш учун кўп ҳолатларда ситуативликга катта этибор қаратилади. Барча чет эл мутахассислар ўқитишни ситуациялар асосида олиб бориш зарурлигини такидлаб ўтмоқдалар. Бундай ситуациялар нутқий фаолият сифатини яхшилашга, кенг ва теранг фикр-мулоҳазаларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Коммуникативлик ўз ўрнида ўқув жараёнига янгилик олиб кириш билан бирга, янгилик дарснинг хилма-хил моҳирона олиб боришда намоён бўлади. Бу аввалам бор нутқий ситуацияларнинг янгилиги, яъни, фойдаланиладиган материалларнинг янгилиги, дарсни ташкил этишдаги янгилик ва ишлаш усулларининг янгилиги ва интернетдан олинган мавзуга оид материаллар бўлиши мумкин. Янгилик ўқув материални доимий комбинациялаш орқали амалга оширилади.

Коммуникатив мулоқотни ташкил қилишда чет тили ўқитувчисининг биринчи вазифаси талабани ўз фикрга эга бўлишга ва осон мулоқотга киришишга ва аввалам бор ўқув материални эшлашга йўналтирувчи вазият яратиш лозим. Бундай ҳолатда ўқитувчи ҳар бир талабанинг индивидуал ёндошув ва руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мулоқотга киришганда, мулоқот текширувчи-текширилувчиларнинг эмас, ўзаро ҳамкор кишиларнинг табиий суҳбати шаклида ташкил қилингангина намоён бўлади.

Агар ўқитувчи суёт ўзлаштирувчи талабани билмаслигини рўқач қилиб жавобни бошқа актив талабадан сўраса, биринчи талабанинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришда кутиладиган натижага эришмаган бўлади.

Дарс жараёнида коммуникатив мулоқотнинг афзал томони шундаки, ўқитувчи ва талабалар ўртасида самимий ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади. Бундай муносабатларнинг ижобийлиги ёки салбийлиги талабаларнинг чет тилига бўлган муносабати, ўзлаштириш ва қизиқиш даражаларига жиддий таъсир қилади.

Ўқув жараёнида коммуникатив мулоқот билим олишга қизиқтириш ва ўзаро ҳайрихоҳликка асосланган муносабатларда ўргатиш ва ўрганиш ўқитувчи ҳамда ўқувчига таъсир этади. Улар ўртасида ўзаро мувофиқлашган мулоқот ўзаро ижобий таъсир қилувчи муносабатларга айланади. Шу билан бирга ўқитувчи талаба нутқини раҳбатлантирувчи, йўналтирувчи, мақтовчи, қўллаб қувватловчи мулойим оҳангдаги гаплари, самимий маслаҳатлари талабани руҳлантиради. Бундай вазиятда жонли коммуникатив мулоқот асосига қурилган билиш фаолияти юз беради. Ўқитувчи ушбу коммуникатив мулоқот жараёнида унинг ташкилотчиси, самимий маслаҳатчиси ва ёрдамчиси суҳбатдоши сифатида намоён бўлади. Бундай коммуникатив мулоқотда талабалар ўзларини четга олишдан, хатога йўл қўйишдан ҳамда тушунмай қолишдан қўрқмайдилар. Шу ҳолатда талабалар дарс жараёнида ўзларини теран фикрлайдиган, мувозанатни сақлай оладиган ва турли ҳолатлардан қийинчиликсиз чиқиб кетиш қобилиятига эга бўладилар.

Адабиётлар:

1. Жураева М.И., Курбанова Д.К. Нормы коммуникации как культура языка и речи // Тил ва миллий маданият. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2004. – 157-160 б.
2. Кучибаев А.К. Хорижий тилларни ўрганишнинг коммуникатив асослари. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2007. - 56 б.